

Тобеъийнлар даврига ўтиш даври сиёсий фитналар урчиган пайтга түғри келди. Ҳадиси шарифларни соф сақлаб қолиш учун ҳадиснинг матни ва санадига олдингидан-да кўпроқ ургу бериладиган бўлди. Исломга душман бўлган яхуд, насроний, мажусий ва мунофиқларнинг адоватидан сақланиш учун ҳадисларни фақат ишончли кишилардан олиш асосий планга чиқди.¹²⁵

Тарқоқ ҳолатда ёзib қўйилган ҳадисларни бир жойга жамлашга зарурат туғилди. Энди ҳадислар тиллар ва қоғозлардан китобларга кўча бошлади. Китоблардаги ҳадисларни муаллифлари турли қўринишларда жамлашган. Олти мўътабар китоб, Муватто ва бошқа ҳадис манбалари фикхий мавзуларга қараб тартиблаб чиқилди. Ҳадисларнинг ёзилиш тарихи ҳақида гап кетганда Имом Ибн Шихоб Зухрий (49-123 й.) тилга олингани сабабли кўпчилик у зотни илк бор ҳадис ёзган зот деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Зухрийдан аввал ҳам ҳадислар ёзилган. Ҳатто Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳунинг “Содика” деган ҳадислар жамланмаси бор эди. Демак, бу илмнинг илм шаклланиш даври ва ҳаракатлари саҳобаларнинг қўлида бўлган.

Асосий ривожланиш даврлари.

1. Саҳобалар даври. Саҳобалар ҳадисларнинг муҳофазаси йўлида ҳадисларни ёзишгани юқорида ўтди. Бунга яна бир мисол: Усайд ибн Хузайр розияллоҳу анҳу ҳадисларини ёзib қўйган, Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳукмлари жамланиб халифа Марвонга юборилган.¹²⁶

Анас розияллоҳу анҳу фарзандларини ҳадисларни ёзib қўйишга ундардилар, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ҳам: “Бу илмни қоғозга тушириб қўйинглар” деб шогирдларига буюрган.¹²⁷

2. Тобеъийнлар даври. Бу даврда санадлар пайдо бўла бошлагани, яхши-ю ёмон одамлар кўпая боргани туфайли ҳадис илмини ривожлантиришга каттароқ аҳамият берилди. Саъид ибн Жубайр, Башир ибн Нахик, Мужоҳид ибн Жабр, Абу Зубайр Мұхаммад ибн Муслим, Абу Қилоба, Айюб Саҳтиёний каби тобеъийнларнинг ҳадис китоблари кўзга ташлана бошлади. Саҳобалар ва катта тобеъийнларнинг вафот этиб бораётганини кўрган Умар ибн Абдулазиз бир гуруҳ уламоларга ва уларни бошида Имом Зухрийга ҳадисларни жамлашга буйруқ берди. Имом Зухрийнинг бошқалардан фарқли қилган иши у киши ҳадисларни бир жойга жамлагани эди. Олдингилар эса ҳадисларни тарқоқ ҳолатда ёзib борган.

¹²⁵ Доктор Мухаммад Матар Захроний. Тадвинус сунна. 32-бет.

¹²⁶ Имом Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад. 4-жуз, 226-бет.

¹²⁷ Ҳатиб Бағдодий. Тақиидул илм. 96-бет.

3. Кичик тобеъийнлардан бошлаб 150-хижрий йилларгача бўлган давр. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам номларига тўқиладиган ёлғон ҳадислардан ислом энг катта хизмат қилинган босқич айни шу босқичдир. Рижол илми шаклланиши ҳам асосан шу даврга тӯғри келади. Қолаверса, сахоба ва тобеъийнларнинг сўzlари ҳам манашу даврда китобларга киритилди. Бир-бирига ўхшаш ҳадислар бир мавзу остига жамланди.

Бу даврда ҳадис илмининг шаклланишига катта ҳисса қўшган мухаддислар қўйидагилар: Абдулмалик ибн Абдулазиз (150-йил ваф.), Муҳаммад ибн Исҳоқ Мадиний (151-йил ваф.), Маъмар ибн Рошид (153-йил ваф.), Сайд ибн Абу Аруба (156-в) ва бошқалар.

4. Учинчи хижрий аср. Бу давр барча ислом илмлари, хусусан, ҳадис илми гуллаган даврдир. Муснад, сунан, сахих китобларнинг деярли барчаси шу даврда ёзилган. Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳувях, Алий ибн Мадиний, Яхё ибн Маъин, Муҳаммад ибн Муслим ибн Варо, Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Зуръа, Абу Хотим, Абдуллоҳ Доримий ва бошқа қўплаб уламолар айни шу даврнинг меваларидир.

Шунингдек, бу даврда ақоидга тегишли ҳадисларни алоҳида китоб қилиб жамлаш ҳам пайдо бўлган. Ушбу даврнинг ҳадис илмидаги ўрни қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Ҳадисларга сахих ё заифлик ҳукмини бериш ривож топди;
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари алоҳида жамланадиган бўлди;
3. Саҳобаларнинг тартибига қараб улар ривоят қилган ҳадислар муснад китобларга жамланадиган бўлди;
4. Фиқхий бобларга кўра сунан ва сахих китоблар тасниф этилди;
5. Зоҳири бир-бирига зид бўлган ҳадисларни ечиб берувчи ҳадислар ёзилди.¹²⁸

Хуноса. Ҳадис илмининг ривожланиши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларига бориб тақалади. Ҳозирда ислом душманлари томонидан ҳадис оламига тошлар отилиб: Бу илм бир неча аср ёзилмай ўзгариб кетган, деган айб бўхтондан бошқа нарса эмас. Саҳобалар давридаёқ ҳадисларни ёдлаб олиш, қоғоз ё териларга ёзиб олиш бўлган. Ёзиб олмаган сахоба ё тобеъийнлар ҳам қалбларида жуда кучли ёдлаб, эслаб қолишган.

¹²⁸ Муҳаммад Захроний. Тадвинус сунна аннабавийя нашъатуху ва татаввуруху. 98-бет.

Саҳобалардан кейинги даврда жуда катта ҳофизлар, мужтаҳидлар бу илмга чекиз хизматлар қилишган.

Юзминглаб, бир миллионгача ҳадис ёдлаган мухаддислар бўлган. Ўша пайтда асосий илм ҳадис илми бўлган. Ҳатто “Илм” дейилганда ҳадис илми тушунилган. Имом Термизий “Ахли илмлар” деганда айнан мухаддисларни назарда тутган. Бу ҳам ислом уламоларининг ҳадисга нақадар катта эътибор қилишгани, унинг ривожи ва шаклланишида қандай меҳнатлар сарф этишганидан дарак беради.

IRRITABLE BOWEL SYNDROME: PSYCHOSOMATIC STATUS AND ITS TREATMENT.

<https://doi.org/>

Yuldasheva U.X.Khamraev A.A., Kasimova M.B.

Tashkent medical academy, Tashkent, Uzbekistan

Irritable Bowel syndrome (IBS) – biopsychosocial disease, a complex of functional disorders that cannot be explained by organic changes in the patient's intestines [1]. IBS is described in 1892 by the English clinic W. Osler called « a lucid colitis », which highlighted the main manifestations of the disease and drew attention to the fact that they are more often observed in patients with a tendency to hysteria and depression [2]. The term « the torn intestines » appeared in the literature in the 1930s. Prior to this, its manifestations were called differently: irritable colon syndrome, intestinal colic, colon dyskinesia, bowel neurosis, colic mucosa, spastic colitis, functional colopathy, nervous diarrhea [3]. The relevance of the problem is undeniable, because untimely diagnosis leads to disability of patients, and thus the IBS represents a serious social and economic burden. The relationship of the syndrome with special psychological reactions in patients is noted, however, specific information about the characteristics of the psychological status with the various clinical variants of the disease remains incompletely clarified [Isaev D.N., 2000]. It is necessary to develop an adequate and differentiated, depending on the clinical option and psychological characteristics of patients, tactics of therapy and prevention of IBS, rehabilitation of this group of patients.

An irritated bowel syndrome, as a diagnosis in 1993, was officially introduced by WHO in the ICD. According to the Rome criteria, the revision of irritable bowel syndrome (K58.) - is a complex of functional disorders that lasts more than 3 months, the main clinical symptoms of which are abdominal pain (usually decreasing after defecation), accompanied by flatulence, rumbling, a feeling of incomplete emptying or calls for defecation, as well as impaired functions: constipation, diarrhea or alternation. The symptomatology of the IBS has a persimistic current with periodic extinction and renewal in time. By the age of 50, many patients with IBS note a decrease in pain syndrome, but their quality of life does not improve at all. In each case, a differential diagnosis of IBS with other diseases is necessary.